

Ислоҳот

Тадбиркор сифатида эмин-эркин фаолият юритаётганимиз, ҳаётимизнинг тобора фаровонлашаётганига Президентимиз фармонлари, янги қабул қилинаётган қонунлар асос бўлмоқда.

Масъуллик шаҳодати

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Бу ҳақда сўз юритганда кейинги йилларда парламентда муҳокама этилаётган ҳар бир қонунда ўрта синф манфаатини ҳимоя қилишга устувор аҳамият берилган, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг устуворлиги мустаҳкамлаб қўйилаётганини алоҳида қайд этиш керак. Ана шундай қонунлар шарофати билан фақат-

гина ўтган йилнинг ўзида рухсат беришга оид 80 дан ортиқ тартиб-таомил, лицензияланадиган фаолият турларининг 15 таси, 65 турдаги статистик ҳисобот, 23 турдаги ҳисоботни тақдим этиш муддатлари қисқартирилди, 22 турдаги интерфаол солиқ хизмати жорий этилиб, зарур рухсатномалар бериш муддати 2 марта, маз-

кур жараёнлар учун харажатлар қиймати эса 5 марта қисқартирилди.

Давлатимиз раҳбари маърузасида алоҳида таъкидланганидек, ишбилармонлик муҳити ва бизнес юритиш шароитининг ҳозирги ҳолати эркин бозор иқтисодиётининг талаб ва принциплари умумий халқаро нормаларга тўлиқ жа-

воб бермаётгани соҳага оид қонунларни янада такомиллаштиришни тақозо этади. Бу, шубҳасиз, O'zLiDePдан сайланган депутатларнинг ўз фаолиятини қайта кўриб чиқиши лозимлигини кўрсатмоқда. Чунки тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш учун турли рухсатномалар бериш муддатларини янада қисқартириш, уларнинг тартиб-таомилларини соддалаштириш, бу йўлдаги ортиқча бюрократик ғовларни бартараф этишдан энг аввало сайловлар даврида партияимиз гоё ва мақсадларини қўллаб-қувватлаган электоратимиз вакиллари манфаатдордир.

Яқинлашиб келаётган сайловларда улар ишончини янада мустаҳкамлаш учун эса Сайловолди платформамизда белгиланган ва-зифаларни тезроқ амалга ошириш юзасидан зарур чораларни кўришимиз керак.

«Ҳам фахр, ҳам масъулиятни ҳис қилдик»



Абдуғани ТУРДИЕВ, Ўйчи туманидаги «Олтин Гавхар Зумрад Нур» фермер хўжалиги раҳбари

«... Ўзининг пешона тери, қадок қўллари билан мамлакатимиз бойлигига бойлик қўшаётган, эл-юртимиз фаровонлигини таъминлаётган қишлоқ мулкдорлари».

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил якунларига бағишланган йиғилишида Юртбошимиз қишлоқ хўжалиги, хусусан, фермерлик йўналишида қўлга киритилган ютуқларга алоҳида эътибор қаратиб, камтарона меҳнатимизга ана шундай юксак баҳо бердилар. Бундан нафақат фахрланиш, балки янада катта масъулият билан соҳани ривожлантиришга ҳисса қўшимиз лозим.

Маълумки, Ўзбекистон тарихан қисқа муддатда ўттиз миллионли

АЖС САДО

халқ эҳтиёжини тўла таъминлаш баробарида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилувчи мамлакатга айланди.

Бундай юксак марраларга эришишда соҳада олиб борилган изчил ислохотлар, бозор иқтисодиёти шароитида рақобатбардош мулкчилик шакли яратилгани, яъни фермер хўжаликларини ташкил этиш ҳамда уларни ривожлантиришга қаратилган юксак эътибор мустаҳкам замин яратди. Айна пайтда ҳам қишлоқ хўжалигини ислох қилиш, ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш, тармоқни техник ва технологик модернизациялаш, фермер хўжаликларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда.

Мен ҳам оддий бир фермер сифатида ўтган йилги фаолиятимизни чуқур таҳлил қилиб чиқдим. Гарчи режадаги 38,5 центнер ўрнига гектаридан 40 центнердан пахта, 23,4 гектар галлазордан 135,7 тонна ялпи ҳосил кўтарган, кўп тармоқли фермер хўжалиги сифатида 30 сотих ерда сабзавот маҳсулотлари, ихчам боғ ва 40 сотих жойда балиқчилик ташкил қилиб, қўшимча 10 та янги иш ўрни яратган бўлсак-да, ҳали зиммамизда жуда катта вазифалар борлигини англаб турибмиз.

Бир сўз билан айтганда, Президентимизнинг юксак эътиборидан руҳланиб, 2014 йилда янгича куч,

ЮРТБОШИМИЗ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ, ХУСУСАН, ФЕРМЕРЛИК ЙЎНАЛИШИДА ҚЎЛГА КИРИТИЛГАН ЮТУҚЛАРГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИБ, КАМТАРОНА МЕҲНАТИМИЗГА ЮКСАК БАҲО БЕРДИЛАР. БУНДАН НАФАҚАТ ФАХРЛАНИШ, БАЛКИ ЯНАДА КАТТА МАСЪУЛИЯТ БИЛАН СОҲАНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА КЎПРОҚ ҲИССА ҚЎШИШИМИЗ ЛОЗИМ.

шижоат билан ишлашни мақсад қилдик. Кўп тармоқли фермер хўжалигимизни янада кенгайтириб, қорамолчилик ва унинг негизда

сутни қайта ишловчи минитехнологияларни жорий этишни режалаштирдик. Шунда яна қўшимча 15 та иш ўрни яратилади.

«Ватанимиз равнақига ҳисса қўшаверамиз»

Юртбошимизнинг йил якунлари таҳлиллари, 2014 йилдаги устувор вазифалар белгилаб берилган маърузасини тинглаб, бошқа соҳа ва тизимлар қатори тадбиркорлик учун ҳам янада қўлай шарт-шароит яратилаётганига амин бўлдим.



Фуркат АХМЕДОВ, Окдарё туманидаги «Ахмад Зоҳид» хусусий қорхонаси раҳбари

Зеро, мамлакатимизда ишбилармонларга яратилган шарт-шароит, бугунгидек қўлай имтиёзлар бошқа бирор давлатда йўқ, десам муболаға қилмаган бўламан. Фаоли-

МАМЛАКАТИМИЗДА ИШБИЛАРМОНЛАР УЧУН ЯРАТИЛГАН ШАРТ-ШАРОИТ, БУГУНГИДЕК ҚЎЛАЙ ИМТИЁЗЛАР БОШҚА БИРОР ДАВЛАТДА ЙЎҚ, ДЕСАМ МУБОЛАҒА ҚИЛМАГАН БЎЛАМАН.

ятим давомида хорижлик шериклар билан ҳамкорлик қилиб, бунга бир неча марта амин бўлганман. Улар бизда тадбиркорлар учун бўш турган биноларнинг ноль қийматда берилганлигини, ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчи бўлганларга ер майдонлари ажратилишини хавас билан таъкидлаётганлари ҳам шундан.

дам олиш хонаси, ошхона, ишлаб чиқариш цехлари замон талабларига жавоб берадиган тарзда барпо этилди.

Молия муассасаларидан 100 млн. сўм кредит олиб, хориждан тикув жижозлари келтирдик. Япониянинг 4 та, Кореянинг 6 та ва Хитойнинг 12 та замонавий тикувчилик ускуналари ўрнатилгач, 70 та иш ўрни

ташкил этдик. Айна пайтда эркаклар, аёллар ва болалар учун кийим-кечаклар тайёрлаётимиз. Хом ашё ҳам ўзимизники. Жомбойдаги «Амин инвест» қорхонасида ишлаб чиқарилаётган матолардан фойдаланаямиз.

Юртбошимиз маърузасини қайта-қайта ўқиб, жорий йил режаларига ҳам ўзгартиш киритишга қарор қилдик. Кореядан янги технология харид қилиш мақсадида 80 минг долларлик шартнома имзолагандик. Энди ҳамкорларимиз билан келишиб, Япониядан жинси костюм-шимлар тикиш ускунасини олиб келишни режага киритдик. Айна кунларда хорижлик ҳамкорларимизга футболкалар тайёрлаб бериш бўйича имзоланган шартнома асосида ишлаяпмиз.

Тан олиш керак: тадбиркор сифатида эмин-эркин фаолият юритаётганимиз, ҳаётимизнинг тобора фаровонлашаётганига Президентимиз фармонлари, янги қабул қилинаётган қонунлар асос бўлмоқда. Бундай ғамхўрлик замирида эса бизга ишонч мужассам, демак, ўз меҳнатимиз билан мамлакатимизнинг янада равнақ топишига ҳисса қўшаверамиз.

«Ўн саккиз минг фермернинг бириман»

Саёт — қадимий Хиванинг ёнгинасидаги боғлар бағрида гуллаб-яшнаётган қишлоқ. Унинг ўзига хос анъана ва удумлари бор. Шундай боқий қадриятлардан бири — йил бошида юз билан юзлашган қариялардан бўлғуси экин-тикин, боғу чорва, хунармандчилик, яъни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини унун оқ фотиҳа олишдир. Бунга жиддий тайёргарлик ҳам кўрилади. Аввало, отахонга қора қумғонда қайнаган кўк чой берилади. Асосий таом ёғсиз шавла шаклида тортилади. Кейин совға-салом, саруполар кийдирилиб, қариялар ўғитига қулоқ тутилади.

Яқинда ана шу удумни амалга ошираётганимизда қарияларимиздан бири «От йили» баракали, бахтли, омадли келишини айтди. Ўзбекистоннинг қисқа муддатда манаман деган давлатларга тенглашганини нурунийларга хос вазминлик билан таърифлади: биринчиси — ўз халқи, унинг бахту саодати, фаровон яшаш ва соғ-саломат бўлишини ўйлаган, узокни кўзлаган етакчиси бор. Иккинчиси — элни боқадиган фермер доимо қўллаб-қувватланяпти. Энди у фақат ер ҳайдаш, чигит экишигина эмас, ўз маҳсулотини қайта ишлайдиган заводлардан унумли фойдаланишни ўйламоқда. Халқимизда йўли ободнинг эли обод, дейдилар. Кейинги йилларда қурилган равон йўллар, кўприкларни кўринг.

Куни кеча давлатимиз раҳбарининг «2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади» деб номланган маърузаларини эшитиб, қишлоғимиз қарияларининг юқоридаги гаплари ҳаёлимдан ўтди. Ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистонимиз кундан-кунга обод, фаровон мамлакатга айланиб бормоқда. Бунда қишлоқ мулкдорларининг ҳам ҳиссаси борлигидан фахрланамиз.

Бугунги фермерлар ўз ихтиёрида ижара асосидаги етарлича экин майдонларига эга бўлган, юксак самарали, замонавий техника билан таъминланган, илғор технологияларни пухта эгаллаган йирик мулкдорлардир. Кўп тармоқли фермер хўжаликлари маҳсулотлар етиштириш билан бирга уларни қайта ишлаш, қурилиш ишларини амалга ошириш ва аҳолига хизмат кўрсатиш йўналишларида ҳам самарали фаолият кўрсатмоқда. Маърузада юртимизда бундай субъектлар сони 18 мингдан зиёдни таш-



Солай САЪДУЛЛАЕВ, Хива туманидаги «Хурсанд» фермер хўжалиги раҳбари

кил этаётгани таъкидланди.

Ана шу 18 мингнинг бири менман. Хусусий мулк тарзида узок муддатга ижарага берилган ерни рамзий қозонга ўхшатаман. Сиз мендан «шу қозондан чўмичга нималар чикди?» деб сўранг. Пахтанинг ўзидан 100 миллион сўмдан ортиқ даромад олдик. Бугўйдан 40, балиқчиликдан яна 30 миллион сўм, шунингдек, боғдан, чорвадан, паррандачиликдан, асаларичиликдан ҳам мўмай даромад олдик. Қозон ҳам, чўмич ҳам мой бўлди. Шунинг учун ҳам «Соғлом бола йили»да ўз фаолиятимни кенгайтириб, 20 та янги иш ўрни яратишни режа қилдим. Шунга яраша буромадимиз бор. Йилни эса қишлоқ врачлик пункти ва 31-сонли мактабга моддий ёрдам кўрсатишдан бошладим.

Юқорида эслаганим, юз билан юзлашган қариялар гурунунда бир отахоннинг етмишдан ошган ўғли иштирок этди. Қария унга гумма узатиб, «ол, болам, соғ-саломат, доимо тўқ юргин!», дея дуо қилди. Демак, етимиш яшар оқсоқол ҳам отасининг наздида бола. Мавсум аввалидаги ниятим шуки, мамлакатимизнинг бешикдаги боласидан тортиб юздан ошган нуруний отахон ва онахонларигача бахтли, жорий йилимиз эса ҳар жиҳатдан баракали бўлсин!

ХАБАР

МАВСУМДА ТУТ СЕРОБ БЎЛАДИ



Бу йил Қашқадарё вилоятида 46 минг қути ипак қуртидан 2795 тонна пилла етиштириш режалаштирилмоқда. — Пиллакорларга 26900 қути хорижий, 19100 қути маҳаллий «Ипакчи-1» ва «Ипакчи-2» навлари тарқатилади, — дейди вилоят «Пилла» худудий бирлашмаси раиси Фахриддин Соипов. — Мавсум

олдидан 3,3 млрд. сўм аванс бериш ҳам кўзда тутилган. Айна пайтда худудда 3 миллион 223 минг туп яқна тут, 8841 гектарлик умумий тутзор бўлиб, ипак қуртининг озуқа базасини янада мустаҳкамлаш мақсадида 1 миллион 400 минг дона янги тут кўчати ўтказилади. Шу ўринда «Қашқадарёпахтасаноат» тизимидаги қорхоналар негизда ипак қуртини замонавий технологиялар асосида боқишга ихтисослаштирилган 20 та мажмуа ташкил этилиб, улар қошида интенсив тутзорлар барпо қилинаётганини ҳам қайд этиш мумкин. Мутахассисларнинг фикрича, интенсив тут кўчатларидан йилга икки марта ҳосил олиш имкони бор. Бир гектарга экилган 12 минг 321 дона кўчат 20-25 тонна барг беради. Олимлар ипак қуртининг ўн, тутнинг эса тўққизта нави ва дурагайи яратилиб, давлат реестрига киритилгани боис ҳосилдорлик йил сайин ортаётганини таъкидламоқдалар. Сайфулла ИКРОМОВ.

Жараён

Президентимизнинг Фермерлар кенгашлари ваколатларини янада кенгайтириш, ташаббускор кишлоқ мулкдорлари номзодини маҳаллий кенгаш депутатлигига кўрсатиш лозимлиги хусусидаги фикр-мулоҳазалари ана шундай ташаббусга асос бўлди.

Асосий эътибор — электорат ишончини мустаҳкамлашга

Давоми. Бошланчи 1-саҳифада <<

Бехзод ИСРОИЛОВ,
«XXI asr»

Энг муҳими эса учрашувлар ва очиқ мулоқотлар чоғида аниқланган 480 дан зиёд ижтимоий-иқтисодий муаммонинг 223 таси туманлар ва ҳудудлар миқёсида ишчи гуруҳи аъзолари томонидан тўлиқ бартараф этилди. Хусусан, партия туман ва вилоят кенгашлари депутатлари томонидан ташкилотларнинг мутасаддиларига 128 та депутатлик сўрови юборилди. Республика миқёсида ҳал этилиши лозим бўлган 250 дан ортик масала юзасидан эса 13 та вазирилик ва бошқа муассаса, идораларга тегишли муурожаатлар йўлланди.

УЙЧИДА ЎТКАЗИЛГАН МУЛОҚОТЛАР САМАРАСИ

О'zLiDeP Наманган вилоят кенгаши матбуот хизмати бошлиғи К.Файзиёвнинг маълум қилишича, Уйчи туманида ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, фермер хўжаликлари ва бошқа ташкилотларда юзлаб учрашувлар ўтказилди. Айниқса, туман молия ва гзначилик бўлимлари, Давлат солиқ инспекцияси, «Агробанк» ОАТБ, давлат-тижорат Халқ банки ҳамда ТИФ «Миллий банк»нинг туман бўлимлари ва бошқа қатор ташкилотлардаги мулоқотлар амалий тусда кечди.

— Партиянинг мақсади, фаолияти ҳақидаги ахборотлар бизда катта қизиқиш уйғотди, — дейди туман молия бўлими мудири Зафар Мўминов. — Айниқса, О'zLiDeP фракцияси аъзоларининг янги қонун лойиҳалари бўйича ахборотлари яхши таассурот қолдирди. Бундай амалий учрашувлар орқали жойларда О'zLiDePнинг обрў-эътибори тобора ошаётганлигини эътироф этиш керак. 12 нафар ходимимиз партияга аъзо бўлиш истагини билдиргани ҳам шундан далолат беради.

Ишчи гуруҳи аъзолари фермер хўжаликлари фаолиятига доир муаммоларни ўрганиш, уларга амалий ёрдам бериш борасида ҳам қатъият ва изчиллик кўрсатишмоқда.

— Мақсадимиз фермер хўжаликлари ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга ҳуқуқий ва бошқа хилдаги ёрдам кўрсатишдан иборатдир, — дейди Уйчи туман Фермерлар кенгаши раиси А.Турдиев. — Кенгашда бошланғич партия ташкилоти тузилганлиги ҳам ўз самарасини бериши шак-шубҳасиз. Бу, албатта, кишлоқ мулкдорлари фаолиятини янада ривожлантириш, уларни кўп тармоқли хўжаликларга айлантириш, шу асосда янги иш ўринлари яратиш ҳамда кишлоқлар инфратузилмасини такомиллаштиришда муҳим омили бўлишига ишонамиз.

— Туманда ишчи гуруҳ аъзолари ва бошқа фаоллар иштирокидаги учрашувлардан кейин 20 та БПТ ташкил

этилиб, 161 нафар киши партия аъзолигига қабул қилинди, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, О'zLiDeP фракцияси аъзоси Равшан Асқаров.

ВОБКЕНТДА САФДОШЛАРИМИЗ КЎПАЙМОҚДА

Бухоро вилоятининг Вобкент туманида ҳам ишчи гуруҳи томонидан олиб борилган учрашув ва мулоқотлардан кейин 58 нафар фуқаро, асосан тадбиркор ва фермерлар О'zLiDeP сафида бўлишга қарор қилдилар.

Ишчи гуруҳи аъзолари

лакали шифокорлар текширувидан ўтказилиб, тегишли маслаҳат ва тавсиялар берилди.

ЭЛЛИҚАЛЪАЛИК ЭЛЕКТОРАТ АЪЗОЛАРИ

Эллиқалъа туманида ташкил этилган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Г.Холмуратова, Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитаси шўба мудири Ш.Раззоқов, О'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Б.Бегжанов сўзга чиқиб, электорат вакиллари билан партия ўртасидаги

мобайнида фермер хўжаликлари фаолияти самарадорлиги ҳамда кишлоқ ёшларини иш билан таъминлаш даражасини ошириш, жойларда оилавий тадбиркорлар сонини кўпайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

— Партия фаоллари кўйи бўғинлар фаолиятини қайта кўриб чиқиш, айна вақтда ҳудудий кенгашлар қошидаги тадбиркорлик ва фермерликни ривожлантириш бўлимлари ишини кучайтириш кераклигини таъкидламоқдалар, — дейди О'zLiDeP вилоят кенгаши раиси, ишчи гуруҳи раҳбари Собиржон Назаров. — Шунингдек, депутатлик гуруҳлари билан кишлоқ мулкдорларининг ўзаро ҳамкорлигини янада яхшилаш, ер эгалари фаолиятига оид масалаларни сессиялар кун тартибига олиб чиқиш, қабул қилинган қарорлар ижросини эса қатъий назоратга олиш механизмини такомиллаштириш талаб этилмоқда.

Ишчи гуруҳи аъзолари билан ўтказилган мулоқотлардан кейин туманда 287 нафар фуқаро О'zLiDeP сафида бўлиш истагини билдирган. Натижада 14 та янги кўйи ташкилот тузилган.

НИШОНДА ИШОНЧ ОРТАЯПТИ

— Туманда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари билан танишиш жараёнида ишга солинган талай имкониятлар мавжудлигига ғувоҳ бўлдик, — дейди Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитаси масъул ходими Сардор Маликов. — Айни пайтда Нишонда 701 та фермер хўжалиги фаолият олиб бормоқда. Бу жуда катта куч, албатта. Агар улар фаолияти замонавий технологиялар билан кучайтирилса, ишлаб чиқариш янада ривожланади. Юзлаб ёшлар учун янги иш ўринлари ташкил этилади. Ишчи гуруҳи томонидан ташкил этилган мулоқотлардан кейин Нишонда ҳам очик мулоқотлар, давра суҳбатларидан кейин партия аъзолари сони 84 нафар, БПТлар сони эса 14 тага кўпайганини айтиш мумкин.

алоқаларни мустаҳкамлаш, тадбиркорлик субъектлари олдида турган муаммоларни изчил ўрганиб, уларни ҳал этиш учун тегишли ташкилотлар, айниқса, О'zLiDeP фракцияси билан алоқаларни мустаҳкамлаш лозимлигини таъкидладилар.

— Ишчи гуруҳи эътиборига ҳавола қилинган 9 та масаланинг 5 таси ижобий ҳал этилди, — дейди туман кенгаши раиси, туман Фермерлар кенгаши етакчиси Шамшоддин Фахрутдинов. — Шу ўринда ишчи гуруҳи томонидан жойларда ўтказилган очик мулоқотлар, давра суҳбатларидан кейин партия аъзолари сони 84 нафар, БПТлар сони эса 14 тага кўпайганини айтиш мумкин.

МИРЗАБОД ОБОДЛИГИ УЧУН

Халқ депутатлари Сирдарё вилоят кенгаши депутати З.Абдуғафоров қайд этганидек, ишчи гуруҳи томонидан ўтказилган тадбирлар



Фракциянинг яна бир ташаббуси қонунга кўчди

Янги йилнинг 21 январидан кучга кирган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига асосан «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 22-моддаси еттинчи қисми янги таҳрирда қабул қилинди

Озод РАЖАБОВ,
«XXI asr»

Эътиборли томони шундаки, депутатликка номзод этиб фуқаролар орасидан мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаёти, тегишли вилоят, туман ва шаҳар иқтисодиётини юксалтиришга салмоқли ҳисса қўшаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳамда фермерлик ҳаракатини ривожлантиришда фаол иштирок этаётган шахслар кўрсатилишини назарда тутувчи мазкур янги норма О'zLiDeP фракциясининг бир гуруҳ аъзолари томонидан партиянинг Сайловолди платформасидаги устувор йўналишлар ва электорат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда илгари сурилган ташаббуси асосида киритилди.

— Президентимизнинг ислохотларининг бориши билан танишиш мақсадида қатор вилоятларга қилган ташрифлари чоғида Фермерлар кенгашлари ваколатларини янада кенгайтириш, ташаббускор кишлоқ мулкдорлари номзодини маҳаллий кенгаш депутатлигига кўрсатиш лозимлиги хусусидаги фикр-мулоҳазалари ана шундай ташаббусга асос бўлди, — дейди О'zLiDeP фракцияси аъзоси Абдуллоҳ Жабборов. — Зеро, партияимиз Дастурида қайд этилганидек, фермерлар манфаатини ифодалаган ҳолда, ушбу ҳаракат кучли ижтимоий-сиёсий кучга айлангани, аграр секторни барқарор ва самарали ривожлантириш, кишлоқда аҳоли фаровонлигини оширишнинг энг муҳим бўғини сифатидаги ўрнини эътироф этамиз ва фаолиятимизни ҳам шу мезон асосида ташкил қиламиз. Шундай бир шароитда Президентимизнинг «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилиши янада такомил-

лаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонининг имзоланиши бу борадаги саъй-ҳаракатларни янада кучайтиришга сабаб бўлди.

Чунки О'zLiDeP айнан фермерларни кишлоқ хўжалигига замонавий технология ва инновацияларни олиб кираётган, аграр тармоқ билан боғлиқ ишлаб чиқариш соҳасини жадал ривожлантираётган «катализатор» деб ҳисоблайди. Юртбошимиз Хоразм ва Жиззах вилоятларида бўлганларида ҳам бугунги фермер нафақат деҳқончиликнинг барча нозик жиҳатларини яхши билиши, балки иқтисодчи, ҳисобчи, селекционер, ишбилармон ҳам бўлиши лозимлигини қайд этдилар. Бошқача айтганда, кишлоқ мулкдори давр тақозо этаётган янги вазифаларни чуқур англаши, одамлар, авваламбор, кишлоқ аҳли турмуш шaroитини янада яхшилаш, улар маънавиятини юксалтириш, шу жумладан, ёшлар ҳақида ҳар томонлама қайғуришда фаоллик кўрсатиши лозим.

Фракция аъзоларининг фикрича, мазкур вазифаларни ҳал этиш, биринчи навбатда, фермерлик ҳаракати фаолиятининг самарадорлиги ва фаоллигини ошириш, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларида кўпсонли вакилликни таъминлаш, унинг ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизими, кишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартиришдаги роли ва аҳамиятини кучайтиришга хизмат қилади.

Фермерлар кенгашлари раислари ҳамда тажрибали фермерларни маҳаллий кенгаш депутатлигига номзод этиб кўрсатишдан кўзда тутилган мақсад замирида ана шундай ғоя мумкин. Шу йўл билан кишлоқ мулкдорлари манфаатини ҳимоя қилиш, аграр секторни ривожлантиришга оид дастурларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга таъбиқ

этиш, аҳоли турмуш даражасини оширишга доир ҳуқуқ ва ваколатларини янада кенгайтириш назарда тутилган.

— Бундай ўзгартиш Фермерлар кенгашлари раислари учун депутатлик ўринларини қовватлашни назарда тутмайди, албатта, — дейди О'zLiDeP фракцияси аъзоси Равшанжон Асқаров. — Бу қўшимча сайлов жараёнини такомиллаштиришга хизмат қилиб, Ўзбекистоннинг демократик институтлар, шу жумладан, Фермерлар кенгашлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳал қилувчи роль ўйнайдиган кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришни қўллаб-қувватлашни яна бир бор тасдиқлайди.

Шу ўринда мазкур ташаббусни қонун лойиҳасига айлантириш ва муҳокама қилишга айлантириш, биринчи ва иккинчи ўқиш оралиғида бевосита электорат вакиллари билан нафақат фракция аъзолари, балки Қонунчилик палатасининг тегишли қўмиталари, О'zLiDePнинг ҳудудий бўлимлари ходимлари ҳам фаол иштирок этганлари қайд этиш лозим.

Улар томонидан жойларда янги шу мавзуда ташкил этилган семинар-тренинглари ҳамда очик мулоқотларда мустақиллик йиллари кишлоқда бозор муносабатларини жорий этиш, аграр соҳани диверсификациялаш, фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга қаратилган изчил ислохотлар амалга оширилгани эътироф этилиб, фермерликларининг кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий субъектига айлангани таъкидланди ва ушбу ташаббус тўла қўллаб-қувватланди.

Бу эса О'zLiDePнинг Сайловолди платформасида акс эттирилган яна бир устувор йўналишнинг фракция аъзолари саъй-ҳаракати билан қонунга кўчишига замин яратди.

ЎЗБЕК БОҒБОНЛАРИ ҚОЗОҒИСТОН БОЗОРИНИ ЭҒАЛЛАДИЛАР



2013-2014 йилги мавсумнинг дастлабки беш ойда ўзбекистонлик фермер ва деҳқонлар томонидан Қозоғистонга 2,5 минг тонна узум концентрати экспорт қилинди. Бу 2012-2013 йилги мавсумнинг ана шу даврига нисбатан 1,5 баробар кўпдир. «Fruit-Infom» нашрининг хабар беришича, кейинги беш йилда Қозоғистоннинг ана шу маҳсулотга бўлган талаби асосан ўзбек узумчилари томонидан қондирилмоқда. Жумладан, 2013-2014 йилда Қозоғистонга сотилган узум концентратининг 96 фоизи Ўзбекистон ҳиссасига тўғри келади. Бу борадаги кейинги кўрсаткичлар эронлик (2 фоиз) ва исроиллик (1 фоиз) экспортчиларга тегишлидир. Шу ўринда узум концентрати узумни махсус йўл билан қайта ишлаш орқали олинган брикет ёки кукун ҳолатдаги маҳсулот экани, ундан эса юқори сифатли табиий шарбатлар тайёрланишини айтиб ўтиш лозим.

Ш.ХЎЖАЕВ тайёрлади.

Ҳудудий кенгашларда

Талабаликдан — тадбиркорликка

2013 йили O'zLiDePнинг «Диплом билан — бизнесга» лойиҳаси доирасида ташкил этилган ўқув-семинарлар якунида сурхондарёлик 65 нафар йигит-қизга тижорат банкларидан 590 миллион сўмлик имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди



Шухрат РАҲИМОВ,
«XXI asr»

— Йил якуни бўйича ўтказилган қиёсий таҳлиллар «Ёшлар қаноти» тадбирларида 2000 нафардан ортиқ йигит-қиз иштирок этганини кўрсатди, — дейди O'zLiDeP Сурхондарё вилоят кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими mudiri Дилрабо Раҳмонова. — Яна бир қувонарли томони партиявий лойиҳалар туфайли талабаликдан тадбиркорликка қадам қўйган тенгдошларимиз сафи кенгайиб бораётган

нидир. 2012 йили «Диплом билан — бизнесга» лойиҳасининг вилоят босқичи якунида 36 нафар битирувчиға имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилиб, уларга 16 миллион сўм миқдоридаги кредит берилган бўлса, 2013 йилда бу кўрсаткич 125 фоизга ўсди. Яъни, «Диплом билан — бизнесга» лойиҳаси иштирокчиларининг 65 нафарига молия муассасаларидан жами 590 миллион сўмлик имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди. Энг муҳими, ҳозиргача

2012 йилда БИТИРУВЧИЛАРГА 16 МИЛЛИОН СЎМ МИҚДОРИДАГИ КРЕДИТ БЕРИЛГАН БЎЛСА, 2013 ЙИЛИ БУ КЎРСАТКИЧ 125 ФОИЗГА ЎСДИ.

уларнинг 20 нафари 184 миллион сўм миқдорида кредит олиб, ўз бизнесини бошлаб юборди.

— Мен учун 2013 йил омадли келди, — дейди Жарқўрғон туманидаги «Зебинисо» гўзаллик салоҳи раҳбари Зебинисо Холбоева. — O'zLiDePнинг бир қатор кўрик-танловларида иштирок этиб, сал-

моқли ютуқларга эришдим. Мисол учун, «Диплом билан — бизнесга-2013» лойиҳаси давомида ўтказилган ўқув-семинарларда билим ва кўникмаларимни оширдим. «Агар мен депутат бўлсам...» лойиҳасининг вилоят босқичида ҳам қатнашиб, раэмзий маънода «Халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати»

номинацияси голиби бўлдим. Энди мазкур лойиҳанинг республика босқичида голиб бўлиш учун тайёргарлик кўряпман.

— Ана шундай танловлар туфайли ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий соҳадаги билимларимизни ҳам оширяпмиз, — дейди биринчи ўрин соҳиби Маҳбуба Холсаидова.

Ҳа, Маҳбуба каби ёшлар ютуғи партиявий вазифаларни кенг тарғиб қилиш, Сайловолди дастуримизда белгиланган асосий мақсадлардан бири — уларни Ватанга муҳаббат ва садоқат, ўз элим, ўз юртим, жон Ўзбекистоним, дея гурурланиб яшаш руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса қўшаётган партиявий лойиҳаларнинг ўзига хос самара бераётганидан далолатдир. Зеро O'zLiDeP ёшлар учун бундай лойиҳаларни ўтказиш билан бирга давлат ва жа-

ТАШАББУС



Хусусий секторда аёллар ҳам фаол

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Наргиза ҚАҲҲОРОВА,
«XXI asr»

ри билан шу йўналишдаги ишлар кўламини кенгайтиришдир.

Ана шундай саъй-ҳаракатлар 2013 йилда ҳам яхши натижалар берди. Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка дадил кириб келаётганларнинг кўллаб-қувватланиши натижасида худудда либерал-демократик ғоя ва мақсадларни аёллар, ёшлар ўртасида кенг тарғиб этиш имконияти кенгайди. Бу жараёнга чимбойлик Жамила Нуримовага ўхшаган юзлаб тадбиркорлар ўзига хос ҳисса қўшаётганлар.

Шу ўринда «Аёллар қаноти»нинг нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорлиги турли семинар-тренинглар давомида янада мустақамланаётганлигига тўхталиш жоиз. O'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши «Аёллар қаноти» раҳбари Айжамол Юсупованинг фикрича, тадбиркорлик соҳасида иш юритмоқчи бўлган касб-хунар коллежлари битирувчиларига бизнес-режалар тузиш, тижорат банкларидан кредитлар олишда амалий ёрдам берилаётгани тадбиркорлар сафига янги авлоднинг кириб келишига хизмат қилапти.

— Бунда бизга ижтимоий шерикчилик тамойили жуда қўл келаяпти, — дейди А.Юсупова. — Жорий йилда олдимизда турган энг асосий вазифа — «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида Хотин-қизлар кўмитаси, «Тадбиркор аёл» ассоциацияси, «Хунарманд» уюшмаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди сингари ташкилотларнинг худудий бўлимла-

ри билан таъминлади. Кегейли туманидаги аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхонаси раҳбари Арухон Қайиббекова ташаббуси билан эса «Кегейли-Жайхун» тикув цехида Оқбута овулидаги 15 нафар қиз иш бошлади.

— Аёлларимизни тадбиркорликка кенг жалб қилиш бу йилда ҳам муҳим аҳамият касб этади, — дейди O'zLiDeP Қонлиқўл туман кенгашидаги депутатлик гурӯҳи

раҳбари, «Шухрат» медали соҳибаси Гулистон Аралбаева.

Чиндан ҳам тадбиркорлик фаолияти учун берилаётган имтиёزلардан самарали фойдаланишда O'zLiDeP «Аёллар қаноти» жойларда ташаббускорликни ўз қўлига олгани, қабул қилинаётган қарор ва меъёрий ҳужжатларни тадбиркор ва фермер аёлларга етказишда етакчи қўлга айланиб улгургани жойларда бир қанча бизнес лойиҳаларнинг ҳаётга татбиқ этилишига омил бўлмоқда. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши «Аёллар қаноти» бўлими ташаббуси билан йил бошидан буюн 170 млн. сўм миқдоридаги кредит маблағи намунали бизнес лойиҳа эгаларига топширилди.

Бир сўз билан айтганда, қорақалпоғистонлик опа-сингилларимиз орасидаги ўрта аҳиллик ва ҳамжихатлик ўз самарасини бермоқда. Зеро, ишбилармон, тадбиркор, шу билан биргаликда, эл қори учун ёниб яшашни ҳаётдаги шиорига айланган инсонлар бошини қовуштириш O'zLiDePнинг бош мақсади. Партия ғоялари асосида ҳамфикр ва кўмақдош бўлаётганларнинг эса шубҳасиз, бери минг, мингига элга мадад бўлади.

ФАРМОН ВА ИЖРО

Хотин-қизлар манфаати доимий эътиборда

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, саломатлигини мустақамлаш, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидандир

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Мамлакатимизда хотин-қизлар ҳуқуқларининг кафолатлари Конституция ва бошқа қонун ҳужжатларида ўз ифодасини топган. Ўзбекистонда хотин-қизлар манфаатлари ифода этилган қатор халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан, БМТнинг Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шакллариға барҳам бериш тўғрисидаги конвенцияси (CEDAW) ратификация қилинган.

Пойтахтимизда «Гендер статистикасини жамлаш, таҳлил қилиш ва ундан фойдаланишни такомиллаштириш» мавзусида ташкил этилган давра суҳбатида мазкур ҳужжатлар асосида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ва уларнинг самаралари хусусида сўз юритилди. Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси ҳамкорлиги ва Осиё тараққиёт банкининг мин-

тақавий ваколатхонаси кўмагида ташкил этилган тадбирда вазирлик ва идоралар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда хотин-қизларга бўлган юксак эътибор туфайли уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги тобора ошиб бораётгани таъкидланди. Бунда хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий асос муҳим омил бўлаётди.

Мамлакатимизда хотин-қизларга бўлган эътибор масаласи БМТнинг тегишли кўмитаси томонидан ўрганиб борилмоқда. Ўтган даврда бу борада Ўзбекистон Республикаси томонидан қабул қилинган мажбуриятларнинг ижросига доир тўртта Миллий ҳисобот кўриб чиқилган. Давлатимизнинг ҳар бир даврий ҳисоботи муҳокама қилиниб, унинг натижаларига кўра якуний тақлифлар тақдим этилган. Шу асосда мамлакатимизда Миллий ҳаракат дастури ишлаб чиқилиб, унинг ижроси изчил таъминланмоқда.

Давра суҳбатиде таъкидланганидек, гендер статистикаси эркаклар ва аёллар, ўғил ва қиз болаларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги фаолиятида юз бера-

ётган ўзгаришларни кузатиш имконини беради. Эркак ва аёлларнинг шарт-шароитлари, муаммоларини аниқлашга кўмаклашда бу масалага алоҳида эътибор берилиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси томонидан мамлакатимиз гендер статистикаси бўйича илк веб-сайт яратилди. Тадбирда тақдимоти ўтказилган мазкур манбада мамлакатимиз ҳаётига оид демография, ижтимоий ҳимоя, меҳнат, таълим, соғлиқни сақлаш йўналишлари бўйича барча маълумотлар жамлангани билан бирга, ҳуқуқбузарликка оид маълумотлар ҳам ўрин олган.

Анжуманда гендер статистикасига оид бундай кенг кўламли маълумотлар базаси дастур ва стратегияни ишлаб чиқишда, муваффақиятли режалаштириш ва мониторинг олиб боришда муҳим аҳамият касб этиши, уни мунтазам такомиллаштириб бориш зарурлиги қайд этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири.

БОЛАЛАР СПОРТИ



МАҲАЛЛАДА ЗАМОНАВИЙ ИНШОТ

Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳридаги «Фарход» маҳалласида барча шароитларга эга замонавий спорт мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Мажмуада енгил атлетика, футбол, бокс, бадиий гимнастика билан мунтазам шуғулланиш имконияти яратилган. Қарийб 300 миллион сўм маблағ эвазига бунёд этилган мажмуадаги машғулотлар зали, ювенил, кийиниш хоналари замонавий тарзда жиҳозланди.

— Президентимиз раҳнамолигида спортни, айниқса, болалар спортини ривожлантириш, унинг оммавийлигини таъминлаш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилган алоҳида эътибор ўз самараларини бермоқда, — дейди хусусий тадбиркор Баҳодир Холматов. — Ана шу юксак гамхўрлик туфайли халқаро майдонда ёшларимиз эришаётган улкан марралардан руҳланиб, биз ҳам бу хайрли ташаббусга ҳисса қўшишга қарор қилдик.

А.МУСТАҒАҚУЛОВ,
ЎЗА мухбири.

ТАДБИР

ФОРУМДА ЁШЛАР МАСАЛАСИ

O'zLiDeP томонидан ишлаб чиқилган дастурлар доирасида аграр соҳага ихтисослаштирилган касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг билим ва кўникмаларини мустақамлашга қаратилган махсус ўқув-машғуллотлар ўтказилмоқда. Қашқадарё вилоят ҳокимлиги Ўрта махсус таълими бошқармаси билан ҳамкорликда Касби қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежида ўтказилган тадбирда «Юрт ризиқи» наслчилик масъулияти чекланган жамияти раҳбари Нарсулло Худойбердиев, O'zLiDeP Касби туман кенгаши раиси ўринбосари Жўра Суяров, Ёшлар билан ишлаш бўлими бошлиғи Сарвар Ботиров, тадбиркор Фахриддин Турсунов сўзга чиқиб, партиянинг дастурий мақсадлари асосида жойларда ишлаб чиқариш ва сервис хизматини йўлга қўйиш ниятидаги ёшларга амалий ёрдам кўрсатиш борасидаги ишлар ҳақида батафсил маълумот бердилар.

— «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривож олоб турмушининг муҳим шартидир» номили форум доирасидаги тадбирлар давомида коллеж ўқувчиларига «Диплом билан — бизнесга», «Ишбилармон талаба», «Парламентда менинг ўрним», «Агар мен депутат бўлсам...», «Ёш олимлар ва катта илмий изланувчилар» лойиҳалари ҳақида ҳам маълумотлар бераёпмиз, — дейди Ёшлар билан ишлаш бўлими бошлиғи Сарвар Ботиров. — Тенгдошларимизнинг жамиятдан муносиб ўрин эгаллашига кўмаклашишга қаратилган вазифалар муҳокама этилаётган бундай мулоқотлар юксак салоҳиятли ёшларнинг билим ва малакасини оширишга хизмат қилапти.

Сайфулла ИКПОМОВ.

БИР ХОВУЧ ДУР

Йўқотиб қўйишдан қўрқиб, зарур нарсани олишга иккиланган кимса қўрқоқ ва қатъиятсиздир.

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

Фермерлик ҳаракати, янги мулкый муносабатларни изчил қўллаб-қувватлаш, фермер хўжаликларида замонавий инфратузилмани шакллантиришга кўмаклашиш О`zLiDePнинг дастурий вазифаларидан биридир.



«Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида»ги қонун муҳокама қилинди



Ўқтам Хайриев етакчилик қилаётган қуйи бўғин аъзолари асосий эътиборни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масалаларига қаратмоқдалар.

03 (531)-сон, 23.01.2014 йил, пайшанба

«Ишлайдиган замон келди»

— дейди О`zLiDeP Каттақўрғон туман кенгаши раиси, «Баҳрин» фермер хўжалиги раҳбари, БПТ етакчиси Эргаш ОЧИЛОВ

Юртбошимизнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида деҳқон ва фермерларга эътиборни кучайтириш, уларнинг манфаати ҳақида алоҳида ғамхўрлик қилиш — бу қишлоқ ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантириш бўйича Ўзбекистон танлаган йўл эканлиги алоҳида таъкидланиб, олдимизда турган муҳим ва долзарб вазифалар белгилаб берилди. Бу, албатта, зиммамизга жуда катта масъулият юклайди. Зеро, фермерлик ҳаракати, янги мулкый муносабатларни изчил қўллаб-қувватлаш, фермер хўжаликларида замонавий инфратузилмани шакллантиришга кўмаклашиш О`zLiDePнинг дастурий мақсадларидан биридир. Чиндан ҳам қишлоқ мулкдорларининг нафақат ўз оиласи, маҳалласи, қишлоғи, балки жонажон юртимиз ободлиги, фаровонлигини таъминлашга қўшаётган беқиёс ҳиссасини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди. Улар ҳалол меҳнат орқали ердан ризқ-насиба ундириб, юксак ҳурмат-эътибор қозонишмоқда.

Каттақўрғон туманида ҳам қишлоқ мулкдорлари ҳар томонлама қўллаб-қувватланаёпти. Мавжуд 52 та бошланғич партия ташкилотининг 31 таси бевосита фермер хўжаликларида фаолият юритаётгани эса О`zLiDeP билан фер-



аксарияти деҳқон ва фермер хўжаликлари раҳбарларидир. Шунингдек, чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик, балқичилик, пиллачилик ва бошқа хил фаолият турлари билан шуғулланишни истовчилар ҳам оз эмас.

Дарҳақиқат, мустақиллик ҳар бир фуқарога ўз иқтидорини тўла намоён этиши учун кенг имкониятлар эшигини очди. Соҳага қаратилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик бугун ўз самарасини бермоқда. Масалан, ўзимиз экин майдонларига туташ Қорадарё соҳилида шарбат ишлаб чиқаришга ихтисослашган кичик корхона барпо этишга киришдик. Бу эса ўз навбатида боғдорчилик ва саввотчиликни жадал ривожлантириш, мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланишга йўл очди.

Шу ўринда фермерлик ҳаракатига қўшилганимга 15 йилдан ошганини айтиш жоиз. Раҳматли отам ҳалол меҳнат қилган инсон асло кам бўлмайди, деган гапни бот-бот такрорлардилар.

Ўйлаб кўрсам, бу оддий сўзлар замирида катта ҳикмат бор экан. Ерга меҳр қўйиб, кам бўлмадик. Рўзгоримиз бут, турмушимиз фаровон. 4 та энгил машина хизматимизда. 155 гектар майдонда пахта, галла етиштирамиз. Ўтган йилги даромад 200 млн. сўмдан ошди. Экинларга ишлов бериш учун барча замонавий техника воситалари мавжуд. Яқинда замонавий «Орион» универсал тракторини сотиб олиш учун Германиядаги компаниялардан бири билан шартнома имзолادик. Тўлов босқичма-босқич амалга оширилмоқда. 5 нафар фарзандимнинг ҳаммаси олий маълумотли, ҳаётда ўз ўрнини топган. Агар соҳага давлат даражасида эътибор қаратилмаганида биз, фермерлар ана шундай натижаларга эриша олармидик?!

Маълумки, фермерлик ҳаракатини ижтимоий-сиёсий кучга айлантириш, қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини янада яхшилаш, маънавиятини юксалтириш, хусусан, ёшларни ҳаётга тайёрлаш, уларни касбга йўналтириш кун тартибда турган асосий масалалар сирасига киради. Бу борада, шубҳасиз, О`zLiDeP ва унинг қуйи бўғинлари асосий масъулиятни ўз зиммаларига олишлари лозим. Биз ҳам ўз фаолларимизга таяниб, тарғибот-ташвиқот ишлари самарадорлигини оширишга ҳаракат қилаёلمиз.

М. РАВШАНОВА, Б. ИСРОИЛОВ тайёрладилар.

тўловлар, қишлоқ ободончилиги билан боғлиқ муҳим масалалар кечиктирилмай ҳал этилмоқда. Хўжалигимиз ишчиларининг 30 нафари О`zLiDeP аъзоси. Хусусан, Зокир Ҳороқов, Дилшод Комилов, Дилмурод Нуруллаев, Норқобил Шавқиев, Эшмурод Отабоев каби фаоллар эл-юрт манфаати йўлида куч-ғайратларини аямаянптилар. Уларнинг саъй-ҳаракати билан жойларда фермерлик ҳаракати, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, иқтисодий ислохотлар моҳияти, банклар билан мулкдорлар ўртасидаги муносабатларни такомиллаштириш, бу борадаги хорижий тажриба ва уни амалиётда қўллаш масалалари юзасидан ўнлаб тадбирлар ўтказилди. Шак-шубҳасиз, улар фуқароларнинг билим ва малакаси, сиёсий ва ҳуқуқий саводхонлигини оширишга хизмат қиларини ишга жойлаштириш, умумтаълим мактабларини таъмирлаш, шунингдек, коммунал

О`ZLIDEP ДАСТУРИДАН

«Партия давлатнинг қишлоқ хўжалиги соҳасида олиб бораётган ислохотларини, фермер ва деҳқон хўжаликлари ривожлантирилишини қўллаб-қувватлайди ва бу жараёнда фаол иштирок этади. Қишлоқ хўжалигидаги муаммоларни ҳал этмасдан туриб, иқтисодий ислохотларни муваффақиятли давом эттириб бўлмайди, деб ҳисоблайди.»

мерлар ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатилганини кўрсатади. 600 нафардан зиёд партия аъзосини ўз атрофи-га бирлаштирган қуйи бўғинлар эса асосий эътиборни аҳоли, айниқса, навқирон авлод вакиллари ўртасида либерал-демократик ғояларни кенг тарғиб этишга қаратмоқдалар. Ўтган йили қуйи ташкилотлар саъй-ҳаракати билан жойларда 80 дан зиёд оммавий-сиёсий тадбир ўтказилди. Депутатлик гуруҳлари вакиллари, партия туман кенгаши масъул ходимлари, турли соҳа мутахассислари иштирокидаги учрашувларда фермерларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ёшлар ва хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада кенгайтириш ва бошқа масалалар юзасидан турли хил фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди.

Энг муҳими, бошланғич партия ташкилотларининг ҳаёт билан, омма билан алоқаларини кенгайтиришга ҳаракат қилаёلمиз. Натижада касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш, умумтаълим мактабларини таъмирлаш, шунингдек, коммунал

БПТлар учун
XXI ASR
ижтимоий-сиёсий газетасига
ОБУНА
давом этмоқда.

Мурожаат учун телефон:
(8-371) 215-63-80



МУҲИМ МАВЗУГА БАҒИШЛАНГАН ТАДБИР

О`zLiDeP Тўртқўл туман кенгаши бошланғич партия ташкилотлари фаолияти самарадорлигини ошириш масаласига бағишланган семинар-тренинг ўтказди.



— Белгиланган режа асосида ана шундай тадбирларга кенг ўрин ажратаялмиз, — дейди кенгаши раиси ўринбосари Ю.Маткаримов.

— Бугунги учрашувда ҳам иштирокчиларга қуйи бўғинлар ва уларнинг ташкилий жиҳатлари хусусида кенг тушунча берилди. Шунингдек, жойларда тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш, БПТлар фаолиятини тубдан яхшилаш, бу борадаги илгор тажрибаларни оммалаштириш, ёшларни тадбиркорлик соҳасига йўналтириш масалалари юзасидан атрофлича фикр юритилди.

О`zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши Матбуот хизмати.

СОҒЛОМ БОЛА — СОҒЛОМ КЕЛАЖАК

Мана, бир неча йилдирки, Уйчи тумани тиббиёт бирлашмаси марказий шифохонасида О`zLiDeP бошланғич ташкилоти фаолият юритмоқда. Унинг сафлари тобора кенгайиб бораётганлиги эътиборга моликдир. Яқинда БПТ аъзолари ташаббуси билан «Соғлом бола йили»га бағишланган тадбир ўтказилди.



Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О`zLiDeP фракцияси аъзоси Р.Асқаров, Наманган вилоят партия кенгаши раиси ўринбосари Н.Абдуллаев, тиббиёт бирлашмаси раҳбари М.Раҳмонов ва бошқалар сўзга чиқиб, жорий йилда партия олдида турган энг долзарб вазифаларни муҳокама қилдилар. Шунингдек, мулоқот давомида Ўзбекистон Республикасининг «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида»ги қонуни ижроси юзасидан ҳам ўзаро фикр алмашилди, муҳим тақлифлар ўртага ташланди.

Ўз мухбиримиз.

ЎЗАРО ФИКР АЛМАШИЛДИ



О`zLiDeP Хоразм вилоят кенгаши, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлинмаси ҳамкорлигида партия туман ва шаҳар кенгашлари масъул ходимлари учун ўқув машғулотни ташкил этилди.

Унда асосан электротар вакилларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, партиявий-ташкилий ишлар самарадорлигини ошириш, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш, намунали қуйи бўғинлар тажрибасини оммалаштириш масалалари юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

О`zLiDeP Хоразм вилояти кенгаши Матбуот хизмати.

«ЧЎЛҚУВАР»ЛИК ФАОЛЛАРДАН ЎРГАНИШ КЕРАК

Халқ депутатлари Қоровулзор туман кенгаши депутати Ўқтам Хайриев етакчилик қилаётган қуйи бўғиннинг 12 нафар аъзоси бўлиб, улар асосий эътиборни электротар манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, маҳаллаларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масалаларига қаратмоқдалар.

— Зеро, тадбиркорлик иқтисодиётимизнинг қудратли «локомотиви»га айланиб бораётган бир пайтда соҳага оид қонунларнинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этиш БПТларнинг асосий вазифаси бўлиши лозим, — дейди БПТ фаолларидан бири Неймат Солиев. — Таъкидлаш жоизки, айни пайтда «Чўлқувар» маҳалласи ҳудудида 30 дан ортиқ тадбиркор, 10 нафар фермер истиқомат қилади. Сартарошхона, новвойхона, тикувчилик цехи, автомобилларни таъмирлаш ва радиотехника устaxonалари, чойхона, ошхона ва бошқа бир қатор маданий-маиший хизмат шохобчалари ишлаб турибди. Улар фаолиятини намунали йўлга қўйишда О`zLiDePдан маҳаллий кенгаши сайланган депутатлар ва БПТ аъзолари ҳам фаол иштирок этаёптилар.



Маҳмуд ИНОЯТОВ, О`zLiDeP Бухоро вилоят кенгаши масъул ходими.

Банк тизими

Тараққиётга хизмат қилаётган сармоялар

Реклама ўрнида

Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари сони йилдан-йилга ортиб бораётган экан, бунда тижорат банкларининг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасига йўналтираётган кредитлари асосий омил бўлмоқда

Шахзод НАЗАРОВ,
«XXI asr»

Пойтахтимиздаги «Sarvari podi» масъулияти чекланган жамияти ҳам сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан дастурхонларимиз тўқинлигига муносиб ҳисса қўшаётган корхоналардан.

— Жамоамиз аъзоларининг аксариятини замонавий билим ва касб-хунар сирларини эгаллаган ёшлар ташкил этади, — дейди қуруқ меваларни қайта ишлашга ихтисослаштирилган корхона раҳбари З.Солихов. — Шу ўринда эришган ютуқларимиз, умуман, корхонанинг мустақкам оёққа туриб олишида ОАТБ «Ҳамкорбанк» Тошкент филиалининг ўрни айниқса катта бўлганини таъкидлашни истардим. Банк кўмаги ва ишни тўғри ташкил этиш орқали ички бозорда ўз ўрни-мизни топдик. Утган йили банк ёрдами билан Германиянинг КфВ кредит линияси маблағи ҳисобидан 100500 евро миқдорида кредит олиб, Туркиядан замонавий ишлаб чиқариш ускуналарини келтириб ўрнатдик. Шундан кейин ишлаб чиқариш ҳажми 35 фоизга ўсиб, маҳсулотлар тури 15 тага етди.

Ҳа, чиндан ҳам тижорат банклари кредитлари эвазига корхона ва ташкилотлар, хусусий сектор эгаллари ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, аҳолига нисбатан арзон нархларда чет элликдан қолишмайдиغان маҳсулотлар етказиб бермоқдалар. «Sarvari podi» масъулияти чекланган жамиятида ҳам бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда маҳсулот сифатига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса 43 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган корхонанинг эртаси янада порлоқлигидан далолатлариди.

— Узоғимизни яқин, мушкуллимизни осон қилишда автомобилларнинг ўрни беқийс, — дейди Кашкадарё вилояти Чироқчи туманидаги «Эл олқиши» МЧЖ раҳбари Ботир Исматов. — Болалигимдан ана шу «темир» дастёрда меҳр кўйганман. Турли русумдаги автомобилларга хизмат кўрсатадиган устахона ташкил этиб, халққа хизмат кўрсатиш орзуси ҳам ўшанда туғилганди.

Шу мақсадда астойдил ишлаб, тажриба орттиргач, Чироқчи тумани, Кишимште-па кўчасида жойлашган автомобилларни таъмирлаш устахонасини сотиб олдим. 2011 йилда эса «Эл олқиши» масъулияти чекланган жамиятини ташкил қилдик.

Бунда бизга ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк»нинг Қўдала филиали катта ёрдам берди. Молия муассаси томонидан ажратилган 100 миллион сўмлик кредит эвазига аҳоли ва ташкилотларга намунали хизмат кўрсатишни йўлга қўйдик. Айти пайтда жамоамизда 15 киши меҳнат қилмоқда.

— Мен ҳам ўз фаолиятимни оилавий тадбиркор сифатида озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларининг улгуржи ва чакана савдоси билан шуғулланишдан бошлаганман, — дейди «Surxandaryo Savdo Impreks» ОАЖ директори Боймурод Тўхлиев. — Тижорат



100500 ЕВРО МИҚДОРИДА КРЕДИТ ОЛИБ, ТУРКИЯДАН ЗАМОНАВИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ УСКУНАЛАРИНИ КЕЛТИРИБ ЎРНАТДИК. ШУНДАН КЕЙИН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИ 35 ФОИЗГА ЎСИБ, МАҲСУЛОТЛАР ТУРИ 15 ТАГА ЕТДИ.

банклари томонидан тадбиркорларга яратилган имкониятлар билан танишиб, катта бизнесга қадам қўйишга қарор қилдим. Шу мақсадда «Трастбанк»нинг Термиз филиалидан 350 млн. сўм кредит олиб, қандолат маҳсулотлари сирасига кирувчи вафли ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Кредит маблағи эвазига Хитойдан замонавий асбоб-ускуналар келтирдик. Айти пайтда кичик корхонамизда кунига ўн икки турдаги, жами икки тонна вафли ишлаб чиқарилапти.

— Республика ички истеъмол бозорини картошка, пийёз, сабзи, қарам, помидор, бодринг, қовоқ, қовун-тарвуз ва кўкатлар билан таъминлаш масаласига доимий эътибор қаратилаётгани учун иссиқхона қуришни ният қилгандим, — дейди «Ангрен истиқбол барака» фермер хўжалиги раҳбари Иззат Носиров. —

Шунинг учун ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк» Оҳангарон филиалидан 220 млн. сўм кредит олиб, 6 гектар ерда иссиқхона барпо этдик. Натижада қўшимча 5 та янги иш ўрни яратилди. Ҳозирги кунда туман аҳолисига киши кунларида ҳам сифатли сазбавот маҳсулотлари етказиб беряпмиз.

— Мен «Трастбанк» ХОАББ Наманган филиали мижозиман, — дейди «Behruz odil savdo» МЧЖ директори Нуриддин Раҳимов. — Утган йили банкнинг 225 млн. сўм кредити ҳисобига DC-7 ташхис қўйиш тизимининг ультратовуш комплекси ҳамда фаолиятимиз учун жуда зарур бўлган FG-29V русумли гастродиффрскопни сотиб олдик. Айти пайтда аҳолига кўрсатаётган тиббий кўмак сифати ҳам, хизмат маданияти даражаси ҳам сезиларли даражада яхшиланди. Ҳозирда янги беш қаватли бино қураёпмиз.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИ ОРТМОҚДА

Анджон вилоятининг Хўжабод туманидаги трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи «Текстиль янги ҳамкор» масъулияти чекланган жамиятида амалга оширилган модернизация ишлари корхона маҳсулотларини йилига 220 минг донага етказиш имконини берди. Президентимиз раҳнамолигида ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга қаратилаётган эътибор, яратилаётган кенг имкониятлар самарасида кўплаб янги корхоналар барпо этилмоқда. «Текстиль янги ҳамкор» корхонасида ишлаб чиқаришга замонавий технологиялар жорий этиш ҳисобидан маҳсулот тайёрлаш ҳажми ортди.

— Корхонамиз маблағлари эвазига хориждан янги тикув дастгоҳлари ва жиҳозларини келтириб ўрнатдик, — дейди корхона раҳбари Одилжон Ўшхўжаев. — Бу маҳсулот ҳажмини ошириш билан бирга 10 та янги иш ўрни яратиш имконини ҳам берди.

Бу ерда ишлаб чиқарилаётган бир неча турдаги трикотаж маҳсулотлари ўзининг сифати ва бежиримлиги билан харидорларга манзур бўлмоқда. Маҳсулотнинг бир қисми хорижга экспорт қилинмоқда.

Ф.УБАЙДУЛЛАЕВ, ЎЗА мухбири.

БИР ҲОВУЧ ДУР

Бизнеснинг бирон-бир соҳасида муваффақиятга эришдингизми, демак, тадбиркорликнинг бошқа турларида ҳам омадингиз келади.

Ўз ишини йўлга қўйиш — бу велосипедда юришдек гап. Ҳаракат қилмасангиз, йиқиласиз.



ЯНГИЛИК ВА АҲБОРОТЛАР БИЛАН
ГАЗЕТАМИЗ САЙТИДА ҲАМ
ТАНИШИШИНГИЗ МУМКИН: WWW.21ASR.UZ

Манфаатли ҳамкорлик истиқболлари

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада <<

Мамлакатимизда чиқиндиларни утилизация қилиш бўйича тизимли ишлар йўлга қўйилган, уларни қайта ишлайдиган корхоналар сони кўпаймоқда. Мазкур бизнес-форумнинг ўтказилиши Ўзбекистон ва Жанубий Корея ишбилармонлари ҳамда соҳа мутахассислари ўртасида тажриба алмашиш, чиқиндиларни қайта ишлаш ва утилизация қилиш соҳасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Тадбирда Жанубий Кореянинг турли чиқиндиларни қайта ишлаш билан шуғулланадиган «Pusung Recycling», «Emax Solution», «Recytec» ва бошқа компаниялари вакиллари сўзга чиқди. Утказилган тақдирот маросимларида улар электрон ва машиий техника, пластик идишлар, автомобиль шиналарини қайта ишлаш бўйича ўз тажрибаси билан ўртоқлашди. Кореялик тадбиркорлар Ўзбекистонда автомобилсозлик саноати ривожланаётганини эътибор қаратилмоқда, автомобиль саноати чиқиндиларини қайта ишлаш услубини намойиш этди. Чиқиндиларни автоматик тарзда саралаш ва улардан қимматбахо моддалар



олиш технологияси Ўзбекистонлик тадбиркорлар эътиборини тортиди.

— Бугунги бизнес-форум Ўзбекистонлик шериклар билан чиқиндиларни қайта ишлаш ва утилизация қилиш соҳасидаги ҳамкорлигимизнинг мантиқий давомидир, — дейди қимматбахо чиқиндиларни қайта ишлайдиган «R&D Centre for Valuable Recycling» марказининг ижрочи директори, доктор Бонг Гу Чёо. — Шу мавзуда турли семинарлар ўтказилмоқда, Ўзбекистон ва Жанубий Корея компаниялари ўртасида шартномалар тузилмоқда. Ўзбекистонда чиқиндиларни қайта ишлаш ва утили-

зация қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётгани туфайли ушбу соҳа жадвал ривожланмоқда. Мазкур соҳада Ўзбекистон-Жанубий Корея ҳамкорлиги бундан буён ҳам ривожланиб бораверади.

Тадбир сўнггида Ўзбекистон ва Жанубий Корея компаниялари ўртасида қатор шартномалар имзоланди ва бу икки мамлакат учун чиқиндиларни қайта ишлаш ҳамда утилизация қилиш соҳасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш йўлидаги яна бир муҳим қадам бўлди.

Бобур ОБИДОВ,
ЎЗА мухбири.

ЭЪЛОН

«BUXORO GLOBAL REALTOR» МЧЖ очик танловга таклиф этади!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Бухоро тумани ҳокимининг 2013 йил 28 ноябрдаги 1033-сонли қарорига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилди:

1. Машиий хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун Бухоро вилояти, Бухоро тумани, Подшохи м.ф.й, Подшохи аҳоли пункти худудидаги 120 кв.м.ли ер участкаси. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — **46 920 сўм.**

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Бухоро туман архитектура бўлими томонидан шаҳарсозлик топширими асосида тайёрланган лойиҳа бўйича белгиланган. Шаҳарсозлик топширими нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади. Мажбуриятларнинг бошланғич қиймати танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома тузилган кундан бошлаб 12 ой муддатда амалга оширилиши лозим.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомалар қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2014 йил 24 февраль кунини соат 18.00 да тўхтатилади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун буюртманомалар беришдан аввал ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 фоизи миқдоридида пулни тўлов келишувига асосан танлов ташкилотчисининг мазкур билдиришномада кўрсатилган банк ҳисобрақамига тўлашлари шарт.

Танлов катнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Бухоро тумани ҳокимлиги биносида 2014 йил 25 февраль кунини соат 12.00 да очилади. 2014 йил 25 февраль кунини соат 17.00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов голиби аниқланади. Комиссия томонидан энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов голиби деб топилди.

Олдиндан маълум қилмасизки, мазкур ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2014 йил 25 февралдаги танловда сотилмаган тақдирда, тақрорий танлов савдоси 2014 йилнинг 4 март кунини соат 12.00 да бўлиб ўтади.

Тақрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомалар қабул қилиш 2014 йил 3 март соат 18.00 да тўхтатилади. Тақрорий танлов катнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Бухоро ту-

мани ҳокимлиги биносида 2014 йил 4 март кунини соат 12.00 да очилади, 2014 йил 4 март кунини соат 17.00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов голиби аниқланади.

Ер участкасига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас. Танловда катнашиш истагида бўлган талабгорлар танлов ташкилотчисидан танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридида ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун танлов ташкилотчисига буюртма хат билан бирга қуйидаги ҳужжатларни икки нусхада тақдим этишлари:

— юридик шахслар: давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, ваколатли вақилининг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, унинг танловда катнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончномаси;

— жисмоний шахслар: паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), танловда ваколатли вақил катнашганда, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончномаси;

— танлов ташкилотчисининг банк ҳисоб-рақамига зақалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;

— танлов таклифлари танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилди.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча вақарлари талабгорнинг имзоси билан, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов ҳужжатларини олиш, тўловлар ва олдиндан пул маблағини тўлаш учун танлов ташкилотчисининг банк реқвизитлари: АТ «Халқ банки» Бухоро филиали, х/р: 2020800600251607001, МФО 00116, СТИР 302668377.

Танлов ташкилотчиси — «BUXORO GLOBAL REALTOR» МЧЖ Бухоро вилоят филиали. Танлов ҳужжатлари ва қўшимча маълумотлар олиш мумкин бўлган манзил: Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри, Ҳамза кўчаси, 1-уй. Тел/факс: (+99893) 960-69-00 электрон почта: www.bgr.gl.uz. № RL 0171. Хизматлар лицензияланган.



ЯНГИЛИК ВА АҲБОРОТЛАР БИЛАН
ГАЗЕТАМИЗ САЙТИДА ҲАМ
ТАНИШИШИНГИЗ МУМКИН: WWW.21ASR.UZ

Имтиёзлар ҳудуди

XX асрнинг 50-60-йилларида жаҳон амалиётида пайдо бўлган хўжалик юриштининг нисбатан янги шакли — Эркин иқтисодий зоналар бугунги кунга келиб минтақалар ва мамлакатлар иқтисодиётини ривожлантириш, замонавий технологияларни амалиётга жорий этиш, халқаро ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришга ўзига хос таъсир кўрсатувчи муҳим омил сифатида намоён бўлмоқда

Ақбар МУЗАФФАРОВ,
«XXI asr»

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, дастлабки эркин иқтисодий ҳудуд бундан роса 467 йил муқаддам, яъни 1547 йилда Италиянинг Ливорно шаҳрида ташкил этилганини ҳамда бу ерда тижорат ишларини юриштида бир қатор имтиёзлар жорий этилганини кўрамиз. Бугунга келиб эса дунёнинг салкам 150 та мамлакатларида эркин иқтисодий зоналар фаолият юритмоқда. Уларда 70 млн. нафар киши фойдали меҳнат билан банд. Йиллик савдо айланмаси эса 500 млрд. АҚШ долларидан зиёдроқни ташкил этмоқда.

Мутахассислар тили билан айтганда, ЭИЗ муайян бир мамлакат ичида давлат томонидан маълум ижтимоий-иқтисодий мақсадларга эришишни кўзлаб ташкил этилган маъмурий тартибдаги алоҳида ҳудуд бўлиб, бу ерда фаолият юритадиган субъектлар учун нисбатан имтиёзли тартиб ва имкониятлар жорий этилади. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш, жаҳон стандартларига жавоб берадиган маҳсулот ишлаб чиқаришга эришиш, хорижий сармоялар, энг аввало, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш орқали қулай шарт-шароитга эга бўлиш эса ҳар бир мамлакат учун долзарб ва кечиктириб бўлмайдиган вазифалардан биридир. Шубҳасиз, бу борада эркин иқтисодий зоналар алоҳида ўрин тутмоқда. Айниқса, инновацион фаолиятни ривожлантириш, илғор технологияларни амалиётга жорий қилиш, экспорт, шунингдек, транспорт ва телекоммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш, ички ва ташқи бозорларда халқаро сифат, сертифицилаштириш тартиботларини йўлга қўйиш орқали маҳсулот ҳамда хизматлар рақобатбардошлигини ошириш, янги иш жойларини яратиш, малакали ишчи-муҳандислар, хўжалик ва бошқарув кадрларини тайёрлаш, улар малакасини ошириш каби бир қатор масалаларни ҳал этишда ҳам ЭИЗларнинг аҳамияти бекиёс экани қайд этилмоқда.


Бугунги глобаллашув жараёнлари, табиийки, ҳаётга соғлом назар билан қарашни тақозо этмоқда. Яъни дунёда молиявий инқироз давом этаётган бир шароитда асосий эътибор иқтисодиётни эркинлаштириш, ҳудудларнинг эркин табиий ҳамда индустриал салоҳиятидан самарали фойдаланиш, экспорт тизимини такомиллаштиришга қаратилган. Мазкур йўналишда жаҳон тажрибасида кенг қўлланилаётган ва ўз самарасини бераётган бир қатор воситалар мавжуд. Пул-кредит ва солиқ имтиёзларини жорий қилиш, давлатнинг индустриал сиёсатига мос равишда сармоя киритаётган инвесторларга муайян имтиёзлар «пакети»ни тақдим этиш, инфратузилмавий шароит ҳамда қулайликлар яратиш ана шулар сирасига кирилади. Уларнинг барчаси «Эркин иқтисодий зоналар» (ЭИЗ) деб аталувчи маъмурий-иқтисодий тузилмаларда мумкин.

Эркин иқтисодий зоналарни ташкил этишнинг яна бир муҳим жиҳати — маълум ҳудуд ёки ишлаб чиқариш тар-

моғини иқтисодий ривожлантиришни рағбатлантириш, шунингдек, бозор шароитида иқтисодиётни модернизация қилишнинг ҳудудий услуби сифатида фойдаланишда намоён бўлади. Халқаро тажриба кўрсатадики, бугун ЭИЗлардан нафақат сармояларни жалб қилиш, балки ҳудудий-иқтисодий сиёсат воситаси сифатида ҳам фойдаланилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 декабрдаги «Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил қилиш тўғрисида»ги фармони ҳам айна шу мақсадни кўзда тутди. Унинг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ри-

ги Киото конвенцияси имзо-ланганидан бери эркин иқтисодий зоналар кўплаб мамлакатларда фаолият кўрсата бошлади. Мутахассисларнинг фикрича, кейинги йилларда савдо айланмасининг 30 фоизи айнан ЭИЗлар ҳиссасига тўғри келмоқда. Шу боис халқаро корпорациялар айна жараёнга жиддий эътибор қарата бошладилар. Натижада ЭИЗлар фаолиятига хос бўлган «классик» тизим яратилди. Яъни солиқ ставкаси тадбиркорлар, корхоналар манфаатидан келиб чиқиб белгиланадиган бўлди.

Айни пайтда ЭИЗларнинг кўплаб турлари мавжуд бўлиб, улар таркибий жиҳат-




ВОҚЕАЛАР, ШАРҲЛАР, ДАЛИЛЛАР

СЕРБИЯ МУЗОКАРАЛАРГА ТАЙЁР



Европа Иттифоқи Сербия билан ушбу мамлакатнинг иттифок таркибига қўшилиши юзасидан музокаралар бошлади. Маълумотларда музокаралар расмий Белграднинг Сербиядан ажралиб чиққан Косово ўлкаси билан муносабатларни яхшилаш бўйича бир қатор муваффақиятларга эришганидан сўнг бошлангани қайд этилган. Мулоқот давомида томонлар жами 35 та масала бўйича келишиб олишлари лозим. Биринчи навбатда икки томон ўртасидаги юридик тизимларнинг синхронизацияси, шунингдек, фуқаролар ҳуқуқлари муҳофиза қилинади. Таъкидлаш жоиз, бундай музокаралар даъвогар мамлакатнинг иттифоққа қўшилиши учун кафолат бўлмайди. Мисол учун, Евроиттифоққа охири бўлиб қўшилган Хорватияда ушбу жараён саккиз йил давом этган.

ЯПОНИЯ ДЕФЛЯЦИЯДАН ЧИҚДИ



Япония иқтисодиёт вазири Акира Амарини мамлакат дефляцияси, яъни нархларнинг арзонлашуви ҳолатидан чиққанини эълон қилди. Унинг сўзларига қараганда, дефляция батамом чекингани йўқ. Шунинг учун амалдаги ҳукумат иқтисодий ўсишга ҳалал бераётган дефляцияга қарши кураш мақсадида комплекс чора-тадбирлар, жумладан, миллий валюта — иена курсини қўқсизлантириш чораларини кўрмоқда. 2013 йил охирига келиб иена курси 2008 йил августдаги минимал кўрсаткичгача тушиб, 16 фоизга қадрсизланган. Бундан ташқари, Марказий банк ролини бажарувчи Япония банки ҳар ойда етти триллион иена (салкам 67 миллиард доллар) микдоридagi ҳукумат облигацияларини сотиб олмақда. Расмий Токио бу билан йилга икки фоизлик инфляцияга эришмоқчи. Ўтган йил ақунларига кўра, Кунчикор юрда истезьом маҳсулотлари нархи бир фоиздан кўпроққа қимматлашган. Бунгача эса сўнгги 15 йилдан бери дефляция жараёни қузатилаётган эди.

вожланган мамлакатларга ҳам сезиларли даражада салбий таъсир кўрсатаётган бир пайтда имзолангани янада эътиборга молиқдир. Маълумки, Навоий мамлакатимизнинг марказий қисмида жойлашган. Юқоридаги фармонга асосан Навоий халқаро аэропортининг барпо этилгани, энг аввало, ҳаво транспортидан самарали фойдаланиш, жаҳондаги етук авиакомпаниялар билан манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш имконини бермоқда.

Кейинги йилларда «Навоий» ЭИЗга бўлган қизиқиш ортиб бораётганлиги бежиз эмас. Айни пайтда бу ерда Жанубий Корея, Хитой, Сингапур, Ҳиндистон, БАА ва бошқа қатор давлатлар билан ҳамкорликда 20 дан ортққ лойиҳа амалга оширилмоқда. Юқорида таъкидланганидек, XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб эркин (маҳсус) иқтисодий зоналар халқаро иқтисодий муносабатларнинг ажралмас қисмига айланди. Халқаро товар айирбошлашнинг фаоллаштириш, хорижий сармояларни жалб этиш, молиявий барқарорликни таъминлаш ҳамда унинг аҳамияти катта бўлаётди. 1973 йил-

дан ўзгариб бормоқда. «Эркин иқтисодий зоналар» категориясига кирадиган «эркин савдо зонаси», «маҳсус иқтисодий зона», «маҳсус индустриал зона» каби 30 дан зиёд номдаги маҳсус иқтисодий-маъмурий ҳудудлар фикримишга мисол бўла олади. Маълумотларга кўра, биргина «маҳсус индустриал зоналар» дунё миқёсида 20 мингдан зиёддордир.

Таъкидлаш жоизки, қўтилган натижага эришиш учун ЭИЗларни қаерда, қачон, қай йўналишда ташкил этиш жуда муҳим. Акс ҳолда иқтисодиёт салбий таъсир этиши ҳеч гап эмас. Ўтган асрнинг 90-йилларида бир қатор МДХ давлатлари (Молдова, Беларусь, Украина, Қирғизистон) да шошма-шошарлик билан иқтисодий зоналар ташкил этилганлиги оқибатида сарфланган маблағлар ва моддий ресурслар ҳеч қандай самара бермаганлигини эслашнинг ўзи kiffoя.

Иқтисодчи олимларнинг таъкидлашича, Эркин иқтисодий зоналар ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича дунёда кўплаб мамлакатларда ўзига хос мактаб яратилмоқда. АҚШ, Япония, Буюк Бри-

тания, Бразилия, Германия, Голландия ва Хитой шулар жумласидандир.

Булар орасида айниқса АҚШда «технопарк» деб юритиладиган эркин бизнесни ёқловчи зоналар иқтисодиётнинг усутунларидан бирига айлангани қайд этиш мумкин. Айни пайтда мамлакатда 150 дан зиёд ана шундай технопарклар рўйхатга олинган. Улар орасида энг йириги, шубҳасиз, «Силикон Вали» («Кремнийли водий») эркин иқтисодий зонасидир. Салкам 20 минг киши меҳнат қиладиган мазкур бирлашмада дунёдаги компьютер техникаларининг 20 фоизи ишлаб чиқарилаётди. Олимлар тили билан айтганда, технопарклар мамлакат иқтисодиётининг «бизнес инкубатор»ларига айланган. Айнан ана шу тақрибага асосан иш олиб бораётган Япония утқулари ҳам АҚШникидан қолишмайди.

«Хоккайдо озиқ-овқат комплекси», «Цукуба», «Кейхин кирғоқбўйи инновацион ҳудуди», «Кансай инновацион ҳудуди», «Яшил Осиё» каби иқтисодий зоналарнинг дунё иқтисодиётидаги нуфузи ортиб бораётганлиги ҳам фикримизни тасдиқлаб турибди. Бу борада Хитой тажрибаси ҳам алоҳида эътиборга молиқ. Чунки ўтган аср охирида ЭИЗларга чет эл капиталини фол жалб қилиш Хитой сиёсатида устувор масала бўлган. Айни пайтга келиб «Шенжен» ва бошқа шу каби эркин зоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар дунёнинг кўплаб мамлакатларига экспорт қилинаётгани ҳам изчил сиёсат самарасидир. Юртимизда эса аввал бошдан, макбул иқтисодий муҳитни яратиш, бозор иқтисодиёти институтлари ва хусусий тадбиркорлар синфини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Яъни иқтисодиётни изчил ва барқарор ривожлантириш орқали аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга эришилмоқда. Бу борада мамлакатимизда қабул қилинган «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»ги қонун алоҳида аҳамият касб этаётди.

Эндиликда Ўзбекистоннинг пухта ўйланган иқтисодий сиёсатини дунёдаги нуфузли халқаро ташкилотлар, етук иқтисодчи-олимлар ва йирик инвесторлар ҳам тўла эътироф этишаётгани бежиз эмас.

Президентимизнинг 2012 йил 13 апрелдаги «Ангрен» маҳсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида»ги, шунингдек, 2013 йил 18 мартдаги «Жиззах» маҳсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида»ги фармонларига мувофиқ мамлакатимизда иккинчи ва учинчи эркин иқтисодий зоналарга асос солинди.

Уларда белгилаб берилган чора-тадбирлар амалиётга изчиллик билан татбиқ этила-

ётган оқилона ва яхлит ижтимоий-иқтисодий стратегиянинг ажралмас қисми бўлиб, Ангрен, Оҳангарон, Жиззах шаҳарларининг саннат соҳасидаги салоҳиятини янада оширишга йўналтирилган.

Бу эса, ўз навбатида, замонавий технологиялар асосида рақобатдош ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш қўламини янада кенгайтириш, аҳоли ўртасида бандлик даражасини ошириш, турмуш маъданиятини

юксалтиришда муҳим аҳамият касб этаётгани шак-шубҳасиз.

Мухтасар айтганда, эркин иқтисодий зоналар алоҳида олинган бир мамлакатда, шунингдек, жаҳон миқёсида ҳам замонавий, рақобатдош ҳамда импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш қўламини янада кенгайтириш, ҳудуд иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, иш билан бандлик даражасини оширишга хизмат қилмоқда.

ЭЪЛОН

«BUXORO GLOBAL REALTOR»
масъулияти чекланган жамияти баҳоси босқичма-босқич ошириб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Бухоро вилоят ҳудудий бошқармасининг 2013 йил 25 декабрдаги 56а-сонли буйруғига асосан, Жондор тумани, Алели қ.ф.й, Алели қишлоғи ҳудудидаги яқка тартиба уй-жой қуриш учун мўлжалланган, ҳар бири 400,0 кв.метрлик 16 та (1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15, 16) ер майдони мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эғалик қилиш ҳуқуқлари қўйилмоқда.
Ҳар бир ер майдонида бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳоси 373 200 сўм.

Талабгорлар диққатига!
Аукцион голиби савдо ўтган кундан бошлаб 20 кун муддат ичида ерга бўлган ҳуқуқни тасарруф этиш бўйича олди-сотди шартнома масъулиятини тузиши ва олди-сотди шартномасига асосан мулк учун тўловларни амалга ошириш шарт.

Аукцион савдосида иштирок этишга талабгорлардан савдода иштирок этиш учун белгиланган шаклдаги буюртманомалар аукцион ташкилотчиси томонидан аукцион ҳабарномаси эълон қилинган кундан бошлаб иш кунлари соат 09.00 дан 18.00 гача Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уйда ҳамда сешанба ва пайшанба кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача Жондор туман ҳокимлиги биносида қабул қилинади. Буюртманома қабул қилишнинг охириги муддати — 2014 йил 21 февраль кун соат 18.00 да.
Аукцион савдосида иштирок этиш истадидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизи микдоридagi закатат маблағини тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, юридик шахс-

лардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, ишон нусхаси, вакил иштирок этганда, нисомнома тақдим этилиши сўралади.

Аукцион савдоси 2014 йил 24 февраль кун соат 11.00 да Жондор туман ҳокимлиги биносида бўлиб ўтади.
Олдиндан маълум қиламизки, мазкур ер участкалари 2014 йил 24 февраль кун ўтказиладиган очик аукцион савдосида сотилмаган тақдирда тақрорий аукцион савдоси 2014 йилнинг 27 март кун соат 11.00да ўтказилади.

Тақрорий савдо учун буюртманомаларни қабул қилишнинг муддати — 2014 йил 26 март кун соат 18.00 да.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувга асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган микдорида закатат маблағини савдо кунига қадар «Buxoro Global Realtor» масъулияти чекланган жамиятининг АТ «Халқ банк» Бухоро филиали, х/р: 20208000600251607001, МФО 00116, СТИР 302668377 га ўтказишлари керак.

Кўшимча маълумотлар билан танишиш ва буюртманомаларни қабул қилиш учун манзил: Мустақиллик кўчаси, 10-уй. Тел: (+99893) 960-69-00, Факс (+99865 221 54 43) www.bgr.gl.uz. № RL 0171. Хизматлар лицензияланган.

Сўнгги саҳифа

ХАБАРЛАР



ВУЛҚОН ЭМАС, ОЛМОС БУ...

Камчатка ярим оролида жойлашган Плоский Толбачик вулкони лавасини текширган олимлар унинг таркибда катта миқдорда олмос борлигини аниқладилар. — Камчаткада олмос конларини қидириш ишлари анча вақт илгари бошланган. Бунгача ҳам ярим оролни баъзи худудларидан намуналар топилган, — дейди РФ Вулканология ва сейсмология институти директори ўринбосари А.Овсянников. — Аммо Ичинск вулкони ва Шарқий тоғ тизмасидаги базальтлардан чиққан олмослар миқдори жуда кам эди. Толбачикдан чиққан лаванинг ярим килолук намунасини болга билан майдаланишида, у ердан таъминан бир ховуч олмос чиқди. Олимнинг таъкидлашича, олмослар у даражада катта эмас. Шу боис улардан заргарликда фойдаланиш бўлмайди. Бирок, саноатга жуда катта наф келтириши мумкин.



КРИШТИАНУ РОНАЛДУГА — ОРДЕН

Машҳур футболчи Криштиану Роналду Португалия президенти Анибал Каваку томонидан «Денгизчи Генри» (Инфант Дон Энрике) ордени билан тақдирланди. Таъкидлаш лозим: ушбу унвон мамлакат маданияти, тарихи ва қадриятларини тарғиб қилган кишиларга бериладиган энг олий мукофотлардан биридир. Хабарларга қараганда, ушбу мукофот Роналдунинг шахсий музейга кўйилади. Эслатиб ўтамиз, юксак истеъдод эгаси Роналду 2013 йил сарҳисобига кўра, дунёнинг энг яхши футболчиси деб топилган.

123456 — ЭНГ ОММАВИЙ ПАРОЛЬ

Компьютердан фойдаланувчиларга паролларни яхшироқ сақлаш имконини берадиган иновалар ишлаб чиқарган «SplashData» компанияси тадқиқотчилари 2013 йилнинг энг оммабоп пароллари рўйхатини эълон қилдилар. Унга кўра, биринчи ўринни «123456» рақамларидан иборат комбинация эгаллаган. Эътиборлиси, ушбу яширин код ниҳоят 2011 йилдан буён бу борадаги пешқадамликни бой бермай келётган «password» (инглизчадан таржима қилинганидан «пароль» маъносини аниқлади) жойини эгаллади. «Password»дан кейинги ўринларни «12345678», «qwerty» (компьютер клавиатурасида кетма-кет турган ҳарфлар), «abc123» каби пароллар банд этган.

Имконият, истеъдод ва хоҳиш самараси

2003-2013 йилларда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан мамлакатимизда 112 та болалар спорти объекти фойдаланишга топширилиб, уларнинг барчаси зарур ускуна ҳамда махсус инвентарлар билан жиҳозланди

Шухрат ХУЖАЕВ,
«XXI asr»



би барпо этилган бўлса, яна 22 та шундай масканда капитал реконструкция ишлари олиб борилди.

Ўтган йилнинг ўзига таълим масканларининг 439 нафар ўқувчиси Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағи ҳисобига Германия, Хитой, Польша, Болгария, Малайзия, Шри-Ланка, Таиланд, Россия, Украина, Қозоғистон, Миср, Эрон, Озарбайжон, Туркия, Латвия, Жанубий Корея, Франция, Бирлашган Араб Амириклар ва Грецияда ўтказилган 40 та халқаро мусобақада фаол қатнашиб, Ўзбекистон ёшларининг нималарга қодир эканликларини намойён этдилар. Спортнинг ўндан ортқ тури бўйича ўтказилган ана шу бешлашувларда жами 350 та (122 та олтин, 96 та кумуш ва 132 та бронза) медаль кўлга киритди. Эътиборлиси, мазкур турнирларда қатнашган умидли

спортчиларимизнинг 325 нафари (78 нафари кизлар) кишлоқ худудларида жойлашган мактаб ўқувчиларидир. Бу яна бир қарра Юртбошимизнинг қатор фармон ва қарорлари ҳамда Давлат дастурларида кишлоқ ёшларига алоҳида эътибор қаратилгани натижасидир.

Навоий вилоятида ҳам 2003-2013 йиллар мобайнида 36 миллиард сўм маблағ ҳисобига 86 та турли спорт иншооти қурилиб, фойдаланишга топширилди. Эътиборлиси, уларнинг 85,3 фоизи кишлоқларда бунёд этилган. Бундан ташқари ана шу даврда вилоятда 9 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, умумтаълим мактаблари учун турли типдаги 3 та махсус спорт иншооти, 9х18, 12х24 ва 18х32 метр ўлчамдаги 46 та спорт зали, шунингдек, Навоий шаҳрида замонавий «Ёшлар спорт мажмуаси», очик ва ёпиқ сув ҳав-

залари ҳамда турар-жой массивлари ёнида 3 та спорт майдончаси қурилди. 12 та спорт мажмуаси эса тўлиқ реконструкция қилинди. Ўз навбатида, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан ажратилган 2 миллиард 958 миллион сўмлик маблағ эвазига вилоятдаги 76 та иншоот 120 турдаги спорт анжомлари билан таъминланди. Шу тариқа спортнинг 22 тури бўйича мунтазам фаолият кўрсатаётган мавжуд секция ва бўлимларда қарийб 48 минг нафар ўқувчининг (уларнинг 22500 нафари кизлар) дарсдан бўш пайтларида жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун шароит яратилди.

— Ана шундай чоратadbирларнинг самараси ўлароқ, 2013 йилда Ўзбекистон чемпионати, биринчилиги ва кубоги мусобақаларида иштирок этган навоийлик спортчи ёшлар томонидан 28 та олтин, 20 та кумуш ва 51 та бронза медаль кўлга киритилди, — дейди Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Навоий вилоят филиали директори Улуғбек Жабборов. — Бундан ташқари вилоятнинг умидли ёшлари спортнинг баддий гимнастика, дзюдо, эркин кураш турлари ҳамда миллий курашимиз бўйича ўтказилган халқаро турнирларда 6 та олтин, 10 та кумуш ва 16 та бронза медаль билан тақдирландилар. Энг муҳими, спорт билан мунтазам шуғулланаётган ёшларнинг жисмоний кўрсаткичлари яхшиланиб, уларнинг ирода, маънавияти, яъни аниқ мақсад йўлида курашиш каби хусусиятлари мустақамланди.

Ишончимиз комилки, Юртбошимиз ташаббуси билан «Соғлом бола йили» деб номланган 2014 йилда ҳам ўғил-қизларимиз спорт майдонларида юқори ютуқларга эришадилар. Бинобарин, ана шу мақсадларни рўёбга чиқариш учун уларда имконият ҳам, истеъдод ҳам бор.

Гидрометеорология марказининг хабарига кўра, 23-30 январь кунлари Ўзбекистонда ҳаво ўзгариб туради, қор ёғади. Баъзи жойларга туман тушади. Фарбий шамол йўналишини ўзгартириб, шарқдан 7-12 м/с тезликда эсади.

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ҳарорат кечаси 5-10, кундузи 0-5 даража совуқча пасаяди. Навоий, Бухоро, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида ҳарорат кечаси -3+2 даража бўлса, кундузи 7-12 даража илиқча ўзгаради. Чўл худудларда тунда 5-10, кундузи 0-5 даража совуқ бўлиши кутиляпти. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ҳарорат кечаси 1-6, кундузи 10-15 даража илиқ бўлади. Тошкент вилояти ва пойтахтимизда кечаси -3+2, кундузи 3-8 даража илиқ бўлади. Республикаимизнинг шарқи — Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларида ҳам шундай об-ҳаво бўлиши кутилади. Тоғли жойларда қор кўчиши хавфи бор.



ИШЛАБ ЧИҚАРИШ



Тошкент вилоятининг Зангиота туманида иш олиб бораётган «Keng Makon» масъулияти чекланган жамияти мебель бозорининг етакчи корхоналаридан саналади. Зеро, йигирма йиллик фаолияти давомида хариддорларнинг талаб ва эҳтиёжлари асосида фаолият юритган корхона иқдодий изланишлар, ишлаб чиқариш жараёнига энг сўнгги технологияларни жалб қилган ҳолда салмоқли натижаларга эришяпти. 2011 йилда «Европа сифати» («European quality») халқаро мукофоти билан тақдирланган «Keng Makon» айна пайтада хорижий мамлакатларда ўтказилаётган йирик кўргазмаларда ҳам муваффақиятли иштирок этаётир. — 2013 йилда 4 млрд. 161 млн. 991 минг сўмлик мебель маҳсулотлари ишлаб чиқарган бўлсак, уларнинг маълум қисмини экспорт қиларга ҳам эришдик, — дейди МЧЖ раҳбари Хикмат Раҳимов. — Эътиборлиси, қўл меҳнати, яъни миллий хунармандчиликнинг классик усуллари ёрдамида ишлаб чиқарилаётган мебелларимиз табиий тоза хом ашё, яъни чинор ва қайрағоқ дархатларидан тайёрланмоқда. Юмшоқ мебелларимиз эса ортопедик матрацлар билан таъминланган.

Ҳа, чиндан ҳам ўз номига яраша фаолият юритаётган «Keng Makon» ишбилармон ва тadbиркорлар учун яратилган қулай имкониятлардан кенг фойдаланиб, ана шундай натижаларга эришмоқда.

БИР ХОВУЧ ДУР

Ўз соғлигингизга эрталаб ва баҳор пайтларидаги шодлигингизга қараб баҳо беринг.

Ҳеч бир табиб сизчалик ўз соғлигингиз учун нима фойдали эканини айтиб беролмайди.



ОЗОД ЮРТНИНГ ОБОД ОИЛАСИ

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туманининг «Сархумдон» маҳалласи аҳли Илҳом ака Зиёвиддиновлар оиласини ҳавас ва ифтихор билан тилга олади. Боиси оиладаги тинчлик, бир-бирига хурмат, аҳиллик. Илҳом ака 1975 йилдан бошлаб таълим тизимида турли лавозимларда ишлади, ёшларга сабоқ берди, юзлаб шогирдлар етиштирди. Айни пайтада Тошкент вилояти ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармасида бош мутахассис вазифасида меҳнат қиляпти. Илҳом ака маҳалладаги тadbирларда ҳам фаол қатнашиб, унинг ободлигига ҳисса қўшаётган инсонлардан. Турмуш ўртоғи Гулжаҳон опа эса кўли гул заргар. Оилада уч қиз, икки ўғил воёга етди, барчаси олий маълумотли. Ўн беш неварга қуршовидаги аҳил оила бунёдкорлари уларнинг тинч заминда, эмин-эркин ўсиб-улғаяётганларини кўриб, шукроналар айтишади.

XXI ASR
IQTIMOIV-SIYOSIV GAZETA

TADBIKORLAR VA ISHILARMOQLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

ТАХРИРИЯТ: Темур АБДУРАҲМОНОВ, Сайфулла ИКРОМОВ, Шаҳзод НАЗАРОВ, Озод РАҲАБОВ, Мухаббат РАВШАНОВА, Носир ТОШЕВ, Шухрат ХУЖАЕВ, Марк ЮСУПОВ.

БЎЛИМЛАР: Котибиат — 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими — 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50, Қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).


ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй. ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: axborotXXIasr@yahoo.com, XXI_ASR@mail.ru «XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. «Ўзбекистон» НМИУ босмаҳонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. БОШИ МУХАРРИР: Миродил АБДУРАҲМОНОВ.

МУАССИС: Tadbirkorlar va ishbilarmonlar harakati — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси. «XXI ASR» иқтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

Бюртма рақами: J 9022 Тираж: 21363 Баҳоси келишилган нарҳда. Топширилди — 2000

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

ISSN 2181-497X



9 772181 497009

Навбатчилар: Н.ТОШЕВ, Ш.РАҲИМОВ.